

Милодий 1717 йилнинг айна ёз чилласида Хива хони Шергозихоннинг ўрдаси олдидаги майдонда унча-бунча томошатабнинг ҳам асаби дош беролмайдиган катл маросими ўтказилди: икки гайридиннинг териси тириклайин шилиб олинди ва уларга сомон тикилиб, то куртлаб-ириб кетгунича, шаҳар дарвозалари олдида кўргазма сифатида осиб кўйилди. Бу икки шўринг кургурлар аслида ким эди ва бундай аянчли такдирга нима сабабдан муносиб кўрилди?

Турли давр ва турли ўлкаларда тугилиб, бир майдон ва бир муддатда ўлим топган бу икки «шўрпешона»нинг бири тогли кабардин князлари сулоласига мансуб Александр Бекович Черкасский эди. («Бекович» деб улугланиши шундан.) Болалигидан рус подшохи саройига тарбия учун берилган бекзодалар катори у ҳам Пётр Биринчи томонидан Европага тахсил олишга юборилади. Европада шох Пётрнинг севган сохалари – кемасозлик ва денгизчилик илмларини сув килиб ичган кабардин бекзодаси яна бошқа бир фазилати, яъни кавказ халқларини батамом истило қилишга доир лойихаси билан ҳам императорнинг эътиборини қозонади. Бундан рухланиб кетган бекзода олдида 1713 йили Астрахандан икки осийлик – чўкинтирилган ва рус хизматида князликка қабул қилинган форс Сомонов ҳамда таникли туркман Хўжа Нафас келиб, шахсан император билан учраштириб қўйишларини сўраб, мурожаат қилдилар. Уларнинг айтишларича, Хива хонлигига қаршли қонларда қумдан олтин ювиб олинаётганмиш ва Хива хонига адоватли туркманлар бу қонларни қўлга киритишда рус подшохида хизматга тайёр эмишлар. Поручик Бекович бу учрашувдан ўзига тегадиган манфаатни кўз олдида келтириб, отга камчи босди. Зеро, Хива хонлиги ва Бухоро амирликларидаги олтин қонларини эгаллаш рус шохларининг азалий орзулари эди. Рус шохларининг гербидаги икки бошли бургут бир пайтнинг ўзида гарбу шаркка кўз тикканлигининг боиси шундан эди. Пётр Биринчининг Европага «дарча» очишининг туб мохиятида Марказий Осиёни эгаллаб, Хиндистон ва Хитой билан боғлайдиган Буюк Ипак Йўлини қўлга киритиш мақсадлари пинхон эди. Ахир, не-не жангу жадал билан эришилган «дарча»дан Европага зигир тола, ёғочу асал билан кириб бормаёсан-ку!

Европанинг иштахасини қарнай қилган Хиндистон ва Хитойга элтувчи узок ва серхатар сув йўлига қараганда, бир мунча қиска ва хатарсиз йўл Россия орқали ўтиши мумкин эди, аммо... Аммо хариталарда Лондон ёки Амстердамдан Москвага ва ундан то Касбий сохилларигача енгил сирпанган кўрсаткич бармоқ Касбий ортида оқ доғ бўлиб ётган Марказий Осиё сарҳадларида тўхтаб қоларди: ўзга юрт, ўзга дин, ўзгача қонун-қоидалар...

Мана шу нотаниш ўлка вақиллари билан тил топишиш борасида Пётр Биринчининг отаси Алексей Михайлович уч-тўртта қўйлақни қўп йиртганлардан эди. Украинани ўз тасарруфига қиритган ва Болтик бўйи жанглирида зафар қозонаётган шох хузурига ўша пайтлардаги Хива хонининг элчилари етиб қелдилар ва хонлик мавқеини саклаб қолиш эвазига ўз қарамоғига олишини сўрайди. Бунинг боиси, Хива хонидан норозиликлар қучайиб, халқ тез-тез исён қўтараётганди. Ўз оёғи билан қелган имкониятни қўлдан чиқармаслик учун Волга бўйлаб Касбий денгизига етиб оладиган савдо кемаларини қўриқлайдиган харбий флот тузилади ва Марказий Осиёни забт этиш учун йўлга тушилади. Аммо Степан Разин бошчилигидаги кўзғолончилар Астраханда кишловга тўхтаган кемаларни қўлга олдилар ва уларни ёқиб юбордилар. Хиванинг ўзида эса, хон

Муаллиф:

26.01.2014 02:14 -

алмаштирилди ва Шарк истилосига доир хом хаёлларга бархам берилди...

... Поруччик Бекович такдирнинг бу иноятини кўлдан чикармаслик учун зудлик билан харакатга тушди ва Хўжа Нафас хамда Самоновни император билан учраштира олди. Бу кабул натижасида императорнинг фармони билан 1714 йил 29 мартдан княз Черкасский Хиваю Хиндистонга элтувчи йўлларни разведка килувчи отрядга командир этиб тайинланади. Ана шу санадан бошлаб, Бекович ва Самоновнинг Хива хони ўрдасида аянчли ўлим топишига кадам кўйилди.

Бир йил мобайнида Касбийнинг шаркий сохилларини разведка килиш натижасида тузилган харита эвазига поруччик Бекович гвардия капитани унвонига сазовар бўлди. 1716 йилда Сенатга Бековичнинг барча эҳтиёжлари сўзсиз кондирилишига доир кўрсатма берилди. Капитан Бековичга эса, Хива хонини Рус подшоҳлигига огдириш ва рус ёлланма армиясидан фойдаланиш эвазига Россия вассалига айлантириш вазифаси юклатилди. Зеро, Хива хони ўз хавфсизлигини хоразмликлардан эмас, туркман ва бошка халк вакилларида тузилган лашкар билан таъминлаши хақидаги маълумотлар хақиқатга якин эди. Бековичга Хива хони, Бухоро амири ва Хиндистон подшоҳи Буюк Мўғилга аталган император Пётр ёрликлари топширилди. Забт этилган Хивадан «Хинд сори юз тутиш» поруччик Кожинга юклатилди.

Image1716-1717 йилнинг киши дашт оркали Хивага йўл олишга тадорик билан ўтди. Бу вақт мобайнида Хива томонлардан хуфиячилар бир-биридан совук хабарлар келтиришарди: Хива хонига рус императори элчилари келаётганлиги хабарини етказган чопарлар хибсга олинганмиш ва уларнинг бошига итнинг кунини солаётганмишлар. Черкасскийнинг отрядини даштда ҳеч ким элчилик мақомида кўрмас, минглаб куролли аскарлар тўдаси истилочилар бўлса керак, деган хакконий шубҳа-гумонларни уйготарди. Шунга карамай, княз Бекович ўжарларча, сафар хозирлигини кўришда давом этаверди. Бековични оркага кайтариш учун поручик Кожин Сенатга хат билан мурожаат килиб, хиваликлар ва бухороликлар элчиликнинг туб мохиятидан хабардорликларини, бу юриш яхшилик билан тугамаслигини билдиради ва Черкасский билан юришда катнашишдан воз кечади. Уни Петербургда чакириб, буйрукка бўйсунмаганлиги учун хибсга олишади. Шундай килиб, 1717 йилнинг май ойи бошларида Хива сари юриш бошланди. Бекович ўзи ва минглаб хамрохларини ажал сари катъийлик билан бошлашини хатто хотини ва кизининг денгизга чўкиб кетишлари хам тўхтата олмади. Кабардин князи бошкараётган отряд уч минглик пиёдалар ва казаклар, олти юз швед драгунлари, кўнгилли дворянлар ва артиллерия батареясидан иборат эди. Бекович билан унинг биродарлари Сиюч ва Ок-мирзо, княз Самонов, туркман Хўжа Нафас бирга эдилар. Дашт йўлида калмок хони Аюканинг чопари Бакша ўз аъёнлари билан хамрохлик килдилар.

Хива сархадларига саккиз кунлик масофа колганида айёрлик ишлатмокчи бўлишди: Астрахан боёни Кирситов юзтача казак билан Хива хонини император элчилари келаётганлигидан огоҳ этиш учун йўлга тушди. Чопарлар ортидан озгина муддат фарки билан йўлга чиккан асосий таркиб хиваликлар ўйлаганча, бир хафталардан сўнг эмас, олдинрок шаҳар дарвозаларига етиб боришлари керак эди.

Икки кеча-кундуз тинимсиз йўл босган отряд Хивадан юз тошлар масофа беридаги Амударё кўлларида бирининг киргогида кароргоҳ туздилар ва чопарларнинг кайтишини беҳуда кута бошлашди.

Бекович отрядига кўшилган Бакша калмок хонининг руслардан етказилган алами эвазига (княз Черкасский калмок хони Аюкани ракиблардан мухофаза килишдан бош товлаганди) ўч олиш учун Кирситов бошчилигидаги чопарлар гуруҳи ортидан Хива хони

Бекович ким эди? Нега унинг терисини тирик холда шилиб олишди?

Муаллиф:

26.01.2014 02:14 -

хузурига етиб борган эди. Бакша хонга нималар дегани аён бўлмаса-да, рус чопарлари зиндонга ташланди ва Шергозихон йигирма тўрт минглик лашкари билан руслар курган қароргоҳга хужум қилди. Гарчи бу хужум қутилмаганда юз бергани ва сон жихатидан хиваликлар беш-олти баробар кўп бўлишларига карамай, бир ҳамлада қароргоҳни забт этишнинг иложи бўлмади. Уч кун кетма-кет хужумга ўтилгач, русларнинг артиллерияси ва милтиклари ўқидан сон-саноксиз Хива лашкари ер тишлади. Русларнинг озик-овкати ва қурол-аслаҳалари бир йилга етгулик, ичимлик суви эса, қўлдан керагича олинарди. Вазиятни ақл тарозусида салмоқлаган хонлик хазинабони Кизимбей хонга айёрлик ишлатишни таклиф қилди. Камалдагилар лагерига хон чопарлари юборилди ва сулҳ тузиш таклиф қилинди. Камалдагилар бу таклифни муҳокама қилдилар ва ҳарбийлар хон алдовига учмасликка келишишди. Бирок, Бекович бу таклифни ерда қолдирмасликка қарор қилди ва беш юз отлик билан Самоновни бирга олганча, хиваликларга пешвоз чиқди.

Шергозихон Бекович ва Самоновни Хива яқинида дабдаба билан қутиб олди ва совга-саломлар айирбошланди. Император элчиларига битим тузиш учун хон ўрдасига марҳамат қилишлари таклиф этилди. Хива деворларига етмасдан пистирмада турган хон лашкари хужум қилди ва беш юз отликни қиличдан ўтказди. Бекович ва Самонов асирга олиндилар.

Рус қароргоҳида эса, унвони қатта бўлгани учун майор Франкенбург бошчиликни қўлга олди. Хивалик чопар Черкасский имзоси билан беш қисмга бўлиниш ва йўлбошловчилар билан Хивага турли йўллар орқали кириб бориш буйругини етказиб келди. Майор чопарга фақат Черкасскийнинг шахсан буйруги билангина қароргоҳдан чиқишини билдирди. Хиваликлар зугуми остида Черкасский яна уч маротаба ёзма буйругини такрорлади, сўнгги тўртинчи номасида буйруққа бўйсунмаслик ҳарбий суд ва дор билан яқунланишини дағдага қилгандан сўнггина Франкенбург қароргоҳни тарқ этди. Хивалик йўлбошловчилар билан беш қисмга бўлинган рус истилочилари турли йўллар орқали тайёрлаб қўйилган пистирмаларга дуч келдилар ва қиличдан ўтказилдилар. Қиргинбаротлардан омон қолганлар ва зиндонбанд қилинганлар қулликка сотиб юборилди. Бекович ва Самоновнинг (Самонийлар авлодимикин?) териси тириклайин шилиб олинди...

Черкасский отрядининг аянчли тақдири ҳақида Пётр Биринчига шумхабарни биринчилардан бўлиб, Бакша етказиб борди! Бу отряддан жуда озчилик – Хўжа Нафас ҳамда Бековичнинг биродарларигина омон қолдилар. Уларни «намунали қатл» маросими ҳақида ўз юртларида ҳикоя қилишлари учун қўйиб юбордилар. Шундан бошлаб, Петербург томонларда бирор оғир вазиятга тушган одам ҳақида «Бековичнинг қуни бошига тушди», дейдиган бўлишди. Орадан кўп вақтлар ўтибгина бу воқеалар эсан чика бошлади ва бу ибора ўрнини рус қулогига ёқимлироқ бўлган «Шведларнинг Полтавадаги қуни» ҳақида эслаш расм бўлди.